

BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINING BOSHQARUV KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH USULLARI

*Toshkent Kimyo xalqaro universiteti katta o'qituvchisi
Avezova Rohila Ruzimboyevna
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14575061>*

ANNOTATSIYA

Kasbiy pedagogik kompetentlik bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilik faoliyatini sifatli tashkil etilishini ta'minlovchi omil sifatida qaraladi. Bugungi kunda bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisining boshqaruv kompetentligi o'r ganish muhim bo'lmoqda. Maqolada boshqaruv kompetentligi va uni shakllantirish yo'llari ko'rsatib berilgan.

Kalit so'zlar: kompetensiya, boshqaruv kompetentligi, ta'limning maqsadlari, individual yondashuv, hamkorlik, mustaqil rivojlanish

АННОТАЦИЯ

Профессиональная педагогическая компетентность рассматривается как фактор, обеспечивающий качественную организацию будущей педагогической деятельности начальных классов. Сегодня становится важным изучение управленческой компетентности будущего учителя начальных классов. В статье показана управленческая компетентность и пути ее формирования.

Ключевые слова: компетентность, управленческая компетентность, цели обучения, индивидуальный подход, сотрудничество, самостоятельное развитие

ANNOTATSIYA

Professional pedagogical competence is considered as a factor ensuring the qualitative Organization of the future primary class teaching activities. Today, it is becoming important to learn the management competency of the future elementary



school teacher. The article shows management competence and ways to formulate it.

Keywords: competence, management competence, educational goals, individual approach, collaboration, independent development

KIRISH

Hozirgi kunda zamonaviy jamiyat ta'lim tizimi oldiga yuqori malakali, boshqaruvchi, intiluvchan, raqobatbardosh, tashabbuskor, ijodkor, ma'naviy va jismoniy soqlom shaxslarni tarbiyalab berish talabini qo'yemoqda. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasida "yuksak bilimli va intellektual rivojlangan avlodni tarbiyalash, oliy ta'lim muassasalarida kompetentli ilmiy pedagogik kadrlar zaxirasini yaratish" vazifasi belgilandi.¹ "Kompetensiya" so'zi tarjimada "layoqatli", "munosib bo'lmoq" kabi ma'nolarni anglatuvchi lotincha "competere" so'zi asosida hosil bo'lgan.²

"Kompetensiya" deyilganda, shaxsning biror-bir sohadan xabardorlik, shu sohani bilish darajasi tushuniladi. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarida boshqaruv kompetentligini shakllantirish jarayoni qanday kechadi kabi savollar tug'iladi. Shu nuqtai nazardan boshqaruv kompetentligini tushunchalar mazmun mohiyatini aniqlashimiz muhimdir. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisi boshqaruvchanlik kompetentligi nimani anglatishini va uni amalda qo'llash usullarini bilavermaydi. Boshqaruv kompetentlik tushunchasi pedagogning bilimi, ma'lumoti, ko'nikmasi, qobiliyati va tajribasini o'z ichiga oladi. Boshqacha aytganda, uning barcha ish turini bajarish qobiliyati hisoblanadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Boshqaruv kompetensiyalar ta'rifiqa bir qancha yondashuvlar mavjud:

¹ "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar Strategiyasi to'g'risida" 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli farmoni.

² Pedagogik konpetentlik (uslubiy qo'llanma): – Pedagogika va psixologiya / -T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2018. - 80 bet.



O‘rtal Osiyoning buyuk donishmandlaridan yana biri bo‘lmish Abu Rayhon Beruniy ham boshqaruv va boshqaruvchi shaxsi xususida o‘zining bir qator fikrmulohazalarini bayon etgan. U har bir kishiga baho berish uchun, uning qilgan ishini kuzatish mumkinligini ta’kidlaydi: «Har bir odamning bahosi o‘z ishini ajoyib bajarishidadir».³

Davlat arbobi bo‘lgan Alisher Navoiyning «Saddi Iskandariy» dostonida jamiyatniadolat bilan boshqarish uchun shaxsda mavjud bo‘lishi lozim bo‘lgan sifatlar majmui Iskandar obrazi orqali bayon etilgan: «Dili, niyati pok, xayr va sahovatli, kamtarin va muloyim shaxs, dono podsho va dunyo sirlarini bilishga qiziquvchi aql-zakovat egasi rahbar bo‘lishi kerak. Podsho bo‘lishda manman, o‘zini boshqalardan us-tun qo‘yish, o‘zgalarni pisand qilmaslik, avom xalq bilan birga bo‘lolmaslik xislatlari nuqsondir».⁴

Boshqarishning assosiy tamoyillari XIII—XIV asrlarga kelib O‘rtal Osiyoda Amir Temur hukmronligi davrida to‘la shakllangan yedi. Bu davrda yuqori intizom ijtimoiy himoya va oliv darajadagi boshqarish tizimiga yega bo‘lgan kuchli davlatning bunyodga kelishi o‘rtal asr davrdagi boshqarish uslublari o‘zida yeng ilg‘or g‘oyalarni mujassamlashtirganligidan darak беради.⁵

Vazirlar Maqkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-sun qarori bilan tasdiqlangan Umumiy o‘rtal ta’limning Davlat Ta’lim Standartida kompetensiya tushunchasiga mavjud bilim, ko‘nikma va malakalarni kundalik faoliyatda qo‘llay olish qobiliyati sifatida ta’riflangan.⁶

Noaniq vaziyatlarda faoliyat ko‘rsata olish qobiliyati bu kompetentlikdir, deydi O.Ye.Lebedev.⁷

Kompetentlik insonning intellektual shaxsiy, ijtimoiy kasbiy hayotiy faoliyatiga asoslanadi, deb yozadi I.A.Zimnyaya.⁸

³ Беруний Абу Райхан. Индия. Соч., т.2. – Т.: «Фан», 1963. – С. 8

⁴ Hayitov O.E., Djalilova S.M. Boshqaruv psixologiyasi: O‘quv qo ‘llanma. ТДИУ, 2008. – 184 b. 9-bet

⁵ Amir Temur o‘gitlari: To‘plam. Tuzuvchilar : B.Axmedov, A.Aminov. – Т.: Navro‘z 1992. – В. 75.

⁶ Vazirlar Maqkamasining 2017-yil 6-apreldagi 187-sun qarori bilan tasdiqlangan Umumiy o‘rtal ta’limning Davlat Ta’lim Standarti

⁷ Лебедев О.Е. Компетентносный подход в образовании. www.nekrasovepb.ru

⁸ Зимняя И.А., И.А. Ключевых. Компетенции – новая парадигма результата образования. quality.petrsu.ru



AQShda kompetensiyaviy yondoshuvning mohiyatini, ta'lim standartlari, sifati, ta'limning sifatini nazorat qilish, oliv pedagogik maktablarning faoliyatini aks ettirgan mualliflar M.Apple, D.Armstrong, D.L.Ball, D.Barnes, F.Baumgartner, M.Cochran-Smith, D.K.Cochan, L.Darling-Hammond, S.Feiman-Nemser, A.D.Glenn va boshqalar

MUHOKAMA

Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisining boshqaruvchilik kompetentligining samaradorligini oshirish uchun quyidagi usullar asosida tashkil qilish maqsadlidir.

1.Ta'limning maqsadlari va talablari bilan tanishish: bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisi o'quv jarayonini samarali boshqarish uchun ta'limning maqsadlarini va talablarni tushunishlari zarur. Bu, ta'limning maqsadlari va talablari haqida ma'lumot olish, tashkilotning ta'lim strategiyasiga muvofiq ishlash, o'quvchilarining o'zlashtirish va rivojlanishini oshirishga qaratilgan maqsadlarga erishish uchun asosiy yo'l belgilashga yordam beradi.

2.Individual o'quvchilar bilan muloqot va doimiy baholash: Boshqaruvchilik kompetentligiga ega bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisi, o'quvchilar bilan muloqot qilish va ularning o'zlashtirish holatlarini tahlil qilishga intiladilar. O'qituvchilar o'quvchilar bilan doimiy muloqotda bo'lishish, ularning o'quv jarayonida o'zgarishlarni sezish va ularga mos ta'lim usullarini taqdim etish imkonini beradi. O'quvchilarining rivojlanishini kuzatish va yuqori darajada samarali bo'lishini ta'minlash uchun o'qituvchilar, o'quvchilar bilan individual baholash va maslahatlashishni o'zlashtirishadi.

3.Ta'lim dasturlarini rejalashtirish va yangilash: Boshqaruvchilik kompetensiyasiga ega bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilar, ta'lim dasturlarini tuzish va ulardagagi o'quv usullarini yangilashni o'zlashtirishadi. Ular, rivojlangan ta'lim dasturlarini tahlil qilish, yangi malakalar va ko'maklashishlar qo'shish, o'quvchilarining talablariga mos ta'lim resurslarini ishlatish va ta'limning samaradorligini oshirishga qaratilgan maqsadlarga yetishish uchun dasturlarni yangilashga intiladilar.

4. Hamkorlikda ishlash: Boshqaruvchilik kompetensiyasiga ega boshlang'ich sinf o'qituvchisi hamkorlikda ishlashni o'zlashtirishadi. Ular, boshqa o'qituvchilar, tashkilotlar, o'quvchilar va ota-onalar bilan hamkorlik qilish, ta'limning samaradorligini oshirish uchun ko'p tomonlama qo'llanmalardan foydalanish, tajribalar va ma'lumotlarni almashish, ta'lim innovatsiyalaridan foydalanish va ta'lim sohasidagi yangiliklarga ochiq bo'lish bilan shug'ullanishadi. Shu orqali unda boshqaruv kompetentligi shakllanadi.

5. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchining mustaqil rivojlanishi: Boshqaruvchilik kompetensiyasiga ega o'qituvchilar, o'zlarini ham mustaqil ravishda rivojlantirishga intiladilar. Bu, ta'lim sohasidagi yangiliklarni kuzatish, ta'lim konferensiylarida va seminarlarda ishtiroy etish, ta'limni o'rganishga va yangi usullarni o'rganishga intilish, o'zlarini ta'lim sohasidagi yangiliklar bilan yangilashga intilish va o'qituvchilikning eng yaxshi amaliyotlarini o'rganish bilan bog'liqdir. O'qituvchilar, o'zlarini rivojlantirish va o'qitish jarayonlarini samarali bo'lish uchun mustaqil o'zlashtirish va o'rganishning eng muhim aspektlariga e'tibor berishadi.

6. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchining faol qatnashishini oshirish: Boshqaruvchilik kompetensiyasiga ega o'qituvchilar, o'quvchilarining ta'lim jarayonida faol qatnashishini oshirishga intiladilar. Ular, qatnashishni oshirish uchun ilg'or usullar, qiziqarli darsliklar, interaktiv o'quv vositalari, o'quvchilarining o'z fikrlarini ifoda qilish va jamoatda ishlagan loyihalarga qo'shilishni o'zlashtirishadi. O'quvchilarining qatnashishi samarali o'rganish va o'zlashtirishning muhim qismidir.

7. Ta'lim sifatini baholash va tahlil: Boshqaruvchilik kompetensiyasiga ega o'qituvchilar, o'quv natijalarini to'plab, o'quvchilarining o'zlashtirish darajasini, yetarli tushunarliq darajasini va ma'lumotlarni qo'llash darajasini baholashda qo'llanadigan usullarni o'zlashtirishadi. Bunday monitoring va baholash, ta'limning samaradorligini oshirish uchun qanday qo'llanmalarni va o'zgarishlarni talab etishni bilishga yordam beradi. Bu usullar o'qituvchining boshqaruvchilik kompetensiyasining samaradorligini oshirishga yordam berishi mumkin. Ular o'qituvchilarining o'quvchilar bilan muloqotda bo'lishini, ta'lim dasturlarini yangilashni, hamkorlik va jamiyat bilan ishlashni, o'zlarini mustaqil rivojlantirishni,



o'quvchilarning qatnashishini oshirishni, ta'limning monitorini qilishni va baholashni o'z ichiga oladi.

Pedagoglarning boshqaruv kompetentligi sifatida jamoaviy ish, rahbarlik, hamkorlik, murabbiylik, rasmiy vakolatlardan foydalanish kabi mezonlar ko'rsatadi.


Taklifimiz, bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini boshqaruv kompetentlik talablariga javob berishlari uchun davra suhbatlari, binar ma'ruzalar, loyihalar, treninglar o'tkazish maqsadga muvofiqdir, ya'ni bo'lajak pedagoglarni rivojlantirish muhim vazifa hisoblanadi.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda, oliy ta'lim o'qituvchisining boshqaruv kompetensiyasi takomillashuvida nazariy tayyorgarliklar bilan birga amaliy tayyorgarliklar uzviylichi ko'zga tashlanadi. Boshqaruv kompetentlikni shakllantirish bosqichma-bosqich va uzlusiz jarayondir. U oliy ta'lim muassasasida boshlanadi va ish joyida tajribali ustozlar nazorati ostida davom etadi. Shuni unutmaslik kerakki, yuqori kasbiy pedagogik kompetentlik nafaqat bilim darajasi, balki xodimning amaliy ko'nikmalari, tajribasi va shaxsiy fazilatlari hamdir.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

- 1."O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar Strategiyasi to'g'risida" 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli farmoni.
2. Pedagogik konpetentlik (uslubiy qo'llanma): – Pedagogika va psixologiya / -T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2018. - 80 bet.
3. Беруний Абу Райхан. Индия. Соч., т.2. – Т.: «Фан», 1963. – С. 8
4. Hayitov O.E., Djalilova S.M. Boshqaruv psixologiyasi: O'quv qo'llanma. ТДИУ, 2008. – 184 b. 9-bet
5. Amir Temur o'gitlari: To'plam. Tuzuvchilar : B.Axmedov, A.Aminov. – Т.: Navro'z 1992. – B. 75.
6. Vazirlar Maqumasining 2017-yil 6-apreldagi 187-sodan qarori bilan tasdiqlangan Umumiy o'rta ta'limning Davlat Ta'lim Standarti
7. Лебедев О.Е. Компетентносный подход в образовании. www.nekrasovepb.ru



8.Зимняя И.А., И.А. Ключевых. Компетенции – новая парадигма результата образования. quality.petrsu.ru

9.ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 1 |
ISSUE 3 | 2020 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020:

4.804 Academic Research, Uzbekistan 209 www.ares.uz Gulmira RIFOVNA
Tojiboeva PEDAGOGIK KOMPETENTLIK: NAZARIYA VA AMALIYOT
maqola.

ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ТАДРИЖИДА ҚИССА ЖАНРИНИНГ ЎРНИ

(С.БАРНОЕВ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

Нусратова Ҳамида Ҷўлибоевна,

Тошкент Кимё халкаро университети

доценти, ф.ф.б. PhD

Аннотация

Мақолада қиссалар таҳлили мисолида ўзбек болалар қиссачилигининг ривожланиши, уни юксалтиришда, турли мавзулар билан бойитишда истеъодли адаб Сафар Барноевнинг ўрни, ёзувчи яратган қаҳрамонлар образи, қиссалар орқали китобхонда урушга қарши нафрат туйғусини уйғотиши, уларни курашчанлик ва Ватанни севиш руҳида тарбиялаши ҳақида таҳлиллар берилган.

Таянч сўзлар: қиссачилик, ўзбек болалар адабиёти, уруш ва болалик мавзуси, характер, бола қалби, ҳаётий воқелик, саргузашт-фантастик, уруш даври болалари, туркум ҳикоялар, қисса жанри, бош қаҳрамон.



Аннотация

В статье рассматривается развитие узбекского детского повествования на примере анализа рассказов талантливого писателя С.Барноева. Роль талантливого писателя Сафара Барноева в развитии узбекского детского повествования, обогащение различными темами, созданный писателем образ героев, рассказы, вызывающие у читателя ненависть к войне, воспитывающие в духе борьбы и патриотизма.

Ключевые слова: рассказы, повесть, узбекская детская литература, война и детство, персонаж, детское сердце, реальная жизнь, приключенческая фантастика, дети военного времени, цикл рассказов, жанр рассказа, главный герой.

Annotations

The article examines the development of the Uzbek children's story on the example of the analysis of the stories of the talented writer S. Barnoev. The role of the talented writer Safar Barnoev in the development of Uzbek children's storytelling, enrichment with various themes, the image of heroes created by the writer, stories that arouse the reader's hatred of war, educate in the spirit of struggle and patriotism.

Key words: stories, novella, Uzbek children's literature, war and childhood, character, children's heart, real life, adventure fiction, wartime children, cycle of stories, genre of story, protagonist.

КИРИШ

Болаларнинг ўзига хос мураккаб дунёси унинг бетакор ва турли-туман ажойиботларга бой саргузашлари болалар ижодкорлари эътиборидан четда қолмайди. Ўзбек болалар қиссачилиги ўз ривожи давомида болаларнинг илмий-маърифий онгини ўстириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат ва ундаги жониворларга меҳр ҳиссиётларини тарбиялаш ҳамда дўстлик, тинчлик, биродарлик каби ғояларни илгари суришга ҳаракат қилди. Болалар



қиссачилигидаги мавзулар, образ ва характерлар, зиддиятлар ва уларнинг бола ахлоқи, одоби, маънавий дунёси нозикликларини гўзал бадиий либосларга буркаб ифода этишларига замин яратди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

70-80-йиллар ўзбек болалар насрода бошқа жанрлар қатори қиссачилик ҳам ривожланди. Уларда ўсмирлар ҳаёти хилма-хил жиҳатлардан бадиий тадқиқ этила бошланди. Қиссаларда ўсмирлар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга эътибор кучайди, уларнинг мактаб билан боғлиқ ҳаётини тасвирилаш кўлами кенгайди. Ҳаким Назир, Х.Тўхтабоев, Э.Раймов, Ҳ.Пўлатов, А.Пардаев каби қиссанависларнинг мазкур мавзуга бағишиланган асарлари сирасида С.Барноев қиссалари ҳам айрича ўрин тутади. П.Шермуҳаммедов “Кичкинтойлар нигоҳи” мақоласида адебнинг “Нур ёғилган кун” ва “Туташ йўллар” қиссаларининг ютуқ ва камчиликларига тўхталса[4,105], М.Хусайнов 70-80-йиллар болалар адабиёти таҳлилига бағишиланган обзор мақоласида адебнинг “Эгизаклар” қиссасини тилга олиб ўтиш билан чекланган[5, 123].

Адаб уруш ва болалик мавзусини янада кенгроқ талқин этиш ниятида бу жанрга мурожаат қилган бўлсада, аслида қиссалари мавзу кўлами кенг, уларда бола характеристининг турли қирралари бадиий тадқиқ қилинган. Бинобарин, қиссаларни мавзу йўналишига кўра қуидагича тасниф қилиш мумкин:

1.Ҳаётий воқеликнинг реалистик тасвирига оид қиссалар. Булар ҳам, ўз навбатида, мавзу- мазмунига кўра:

а) уруш мавзусидаги қиссалар: “Нур ёғилган кун”, “Янги кунлар”.

б) мактаб ҳаётига оид қиссалар: “Эгизаклар”, “Оқ лайлаклар”.

в) бола ва ижтимоий воқелик муносабатлари талқинига бағишиланган қиссалар: “Туташ йўллар”, “Биринчи табассум”.

2.Саргузашт- фантастик қиссалар: “Кичкина Хўжа Насриддин”.

Бу асарларда болалик оламининг беғубор онлари, болалик хаёллари ифодаланади, ҳаётдаги барча воқеа-ходисаларга бола нигоҳи билан қараб баҳо



бериш устуворлик қиласи. С.Барноев ижодини бошқа ёзувчилар ижодидан ажратиб турадиган мухим хусусият – хоҳ шеъриятида бўлсин, хоҳ насира бўлсин, хоҳ публицистикасида бўлсин, қарийб барча асарларида уруш асоратлари, уруш одамлари, уруш даври болалари ҳаёти, орзу-ўйлари, ота соғинчи, кураш ва ташвишларига мурожаат этилганлигидир. Сирасини айтганда, бу мавзуда ўзбек болалар насира “Рустамжоннинг саргузаштлари” қиссаси (Файратий), “Лочин қанотлари”(Ҳаким Назир), “Беш болали йигитча”(Х.Тўхтабоев) романлари яратилган бўлиб, уларда ўсмирларнинг уруш давридаги ҳаёти қаламга олинган.

ТАХЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Сафар Барноевнинг қиссаларида ҳам айнан уруш даври одамлари, болалари ва уларнинг ҳаётга, катталарга муносабатини тасвирлаш етакчилик қиласи. Буни адабнинг ilk қиссалар тўплами “Биринчи табассум”га киритилган асарлар мисолида яққолроқ кўриш мумкин.

Тўпламга учта қисса киритилган. Уларни бир-бирига боғлаб турувчи ҳалқа – мавзунинг умумийлиги: мактаб ўқувчилари ва ўсмирлар ҳаётини тасвирлаш. “Биринчи табассум”да болаларнинг мактабдаги ҳаёти, бир-бирига, ўқитувчисига муносабати тасвирланса, “Нур ёғилган кун” қиссасида болаларнинг уруш давридаги ҳаёти - уларнинг ота-оналарига берган улкан ёрдами қаламга олинади.

“Биринчи табассум”да барча воқеалар Алиқул образи атрофида, унинг характеристини очиш асносида тасвирланади. Қиссадаги нуқсонлар ҳақида гапирав экан, П.Шермуҳаммедов “Муаллиф қаҳрамонларининг ҳаётига доир барча икир-чикирларни эринмасдан бирма-бир баён қиласи. Шу сабабли Алиқул ҳам турли хил тафсилотлар ичига кўмилиб қолган” [4,107], - деб ёzádi. Бу фикрда жон бор. Аммо танқидчининг асар бош қаҳрамонига нисбатан “қайси фазилатлари билан ўқувчиларга намуна бўла олиши, уларни ўз орқасидан эргаштира олиши” каби саволларга жавоб топиб бўлмайди деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки қиссада дўстлик, биродарлик ғояларини талқин этиш асосий ўринда туради. Қисса қаҳрамони Алиқул – раҳмидил, кўнгилчан бола. Мактабда аъло баҳоларда ўқийди. Фоят меҳнатсевар: мактаб



богига ҳаммадан қўп қўчатни Алиқул ўтқазган. Унинг ақлли эканлиги гапсўзларидан ҳам кўриниб туради. Ундан нега ўнта қўчат ўтқаздинг деб сўрашганида: “- Бу мендан мактабимга хотира. Ўнтаси ўсиб улғайса, қандай соз бўларди. Мен шу мактабда ўн йил ўқидим, деган нишона бу”, -деб тушунтиради. Мактаб ўқувчилари Газлига саёҳат қилишганида уларнинг синфидан битта Алиқулнинг ўзи танлаб олинади. У уйда ҳам доимо отасининг гапларига қулоқ солади, айтганларини бажаришга ҳаракат қиласди. Дўсти Омон бирорларнинг гапига кириб, уни урганида ҳам сабр билан кутиб, охири калаванинг учи ечишганида дўстини босиқлик билан кечиради. Шу томонларни ҳисобга оладиган бўлсак, танқидчининг фикрларида асос йўқлиги ўз-ўзидан равшанлашади. Қиссани ўқиган ўқувчилар бош қаҳрамон характеридаги яхши фазилатлардан ўрнак ола биладилар. Аммо қаҳрамонлар орасидаги зиддиятларнинг осон ҳал этилиши асаддаги драматизмни бироз сусайтирган.

“Нур ёғилган кун”да адибнинг ижодидан бош чизик бўлиб ўтадиган уруш қолдирган асоратлар, урушни қоралаш мотиви яна етакчилик қиласди. Аслида бу қисса адибнинг “1947 йил ҳикоялари” туркумининг узвий давоми ҳисобланади. Бу туркумни бирлаштирувчи муштарақ жиҳатлар уруш даври болалари, улар қалбининг турфа жилоларини кўрсатиш ва урушга карши курашишдан иборат. Ана шу мотив “Нур ёғилган кун”да ҳам давом эттирилади. Кейинчалик бу қисса “Каримжон Карлсон” тўпламига “Янги ой” номи билан киритилган.

Қиссада урушни болалар нигоҳи орқали тасвирлаш ва қоралаш рухи кучли. Қисса қаҳрамони - урушга кетган отасини интиқлик билан орзиқиб кутаётган бола. У уруш даҳшатини ўз кўзи билан кўрмаган, шу боис ўз хаёллари орқали бориб дадасига ёрдам ҳам бермокчи бўлади: “Немис дегани қанақа одам экан? Отам роса адабини бераётгандир. Бунинг устига отам полvon.” Полvon дадаси билан фахрланиб юрган Каримжонни бобоси қишлоққа олиб кетади. Қиссадаги воқелар, асосан, қишлоқда рўй беради. Қишлоқ болалари билан тезда тил топишиб кетган қаҳрамон уларга қўшилиб, фақат яхшилик қилишга ҳаракат қиласди: одамларнинг ўтларини ўриб бериб, томларини сувоқ қиласдилар, ҳеч кими йўқ қариялардан боҳабар бўладилар,



кексаларнинг дуоларини оладилар. Бу қаҳрамонларни урушнинг ўзи улғайтирган, ақлли бўлишга, болалик ўйинқароқликларини йифиштириб, меҳнат қилишга, катталарга ёрдам беришга унданаган. Улар бундан оғринмайдилар, ўзларини катталар билан ёнма-ён қўйиб, ҳатто хаёлларида ҳам уларга эргашадилар. Китобхон эътиборини тортадиган ва миллийлик рухи билан йўғрилган бир лавҳа жуда таъсирчан чиққан: болалар дастурхонга омин қилган пайтда, пичирлаб, дуо қиласидилар. Уларнинг дуоларида ҳам урушга муносабат ёрқин акс этган:

-Карим, биз ичимизда дуо ўқидик, сен нима деб дуо ўқидинг?

- Олдин ўзинг айтгин!

- Мен Гитлер ўлсин, отам келсин дедим.[1, 51]

Қиссада ҳар бир воқеа –ҳодисага бола нигоҳи орқали баҳо бериш рухи кучли. Халқ оғзаки ижодининг таъсири мақоллар, қарғишилар ва олқишилардан фойдаланишда яққол кўринади. Болалар ўзларини эртаклардаги уч оғайнини ботирларга ўхшатадилар. Бувиси ҳам уларга шундай ном қўяди.

Адиб рамзийликдан маҳорат билан фойдаланади: бобоси шипга ин қўйган қалдирғочнинг болаларини егани учун келган илоннинг ярмини -белидан ўроқ билан қирқиб ташлайди. Болаларга душман ҳам илонга ўхшаган нарса, йигитларимиз ҳозир унинг ярмини чопдилар деб тушунтиради. Содда қаҳрамон Гитлернинг ярмини чопган отасининг келишига ишонади. Болаларнинг ўзларидаид содда мулоҳазалари табиий ва самимий тасвирланган. Бу йўл билан адиб Гитлернинг кимлигини болалар тушунчасига мослаб, баён этишга эришади. Аммо ёзувчи баёнчиликка йўл қўйган ўринлар -да, учрайди.

Қиссани ёзишда А.Гайдарнинг “Тимур ва унинг командаси” асаридан илҳомланганини С.Барноев танқидчи С.Матжон билан қилган сұхбатида таъкидлаган экан[3,10]. Ҳақиқатан бу асар мамлакат бўйлаб машҳур тимурчилар ҳаракатини бошлаб берган эди. Гайдар ғояларидан илҳомланганини ёзувчи нафақат қиссалари, балки бошқа жанрдаги кўпчилик асарлари яққол намоён этади. Қисса қаҳрамонлари тимурчилар сингари



одамларга яхшилик қилишни истайдилар ва буни жон диллари билан амалга оширадилар.

Танқидчи С.Матжон “Тимур, Асет ва Соғиндиқлар асар воқеаларида актив иштирок қиладилар. Бугина эмас, улар асар воқеасининг асосчиси ва ташкил қилувчи қуучи сифатида намоён бўладилар. “Янги ой” қиссаси қаҳрамонларининг бундай хусусиятлари алоҳида бўртиб турмайди”, - деб ёзади. Бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки қисса қаҳрамонлари қишлоқдагиларнинг beminnat дастёрига айланишади. Асар қаҳрамони Карим қишлоққа келиб дўстлар орттиради, уларнинг ишларига ёрдамлашади. Давлат билан кечгача бувасига қарашади: пиёз ўтоқ қилиб, помидор, бодринг узадилар. Эчкига ўт ўриб, полизга қоровуллик қиладилар. Энг муҳими, уларнинг одамларга фойдаси тегиши: Эргашнинг буғдойини ўришга ёрдамлашадилар. Уч оғайни - ботирлар фақат одамларга яхшилик қилишга келишиб оладилар ва бунинг учун қасам ичадилар. “Бўлмаса, - дейди Давлат, - ҳаммага яхшилик қиласиз. Шундай иш қилайликки, ҳамма бизни яхши болалар десин. Қишлоқдаги қолган болалар ҳам бизга қўшилади. Ким ёлғон гапирса, алдаса, ёки ишдан бош тортса, яхшиси, бизга қўшилмасин”[1,237]. Тўғри, бу фикр қиссанинг бош қаҳрамони Каримдан эмас, унинг дўсти Давлатдан чиқади. Улар одамларнинг ўтларини ўриб берадилар, томларини сувоқ қиладилар, ҳеч кими йўқ қариялардан боҳабар бўладилар. Шу тариқа кексаларнинг дуоларини оладилар. Ёш тимурчилар қишлоқда кичкина ўроқчилар деб ном оладилар. Уларнинг дўстона муносабатларига ҳамманинг ҳаваси келади Хуллас, болалар катталарнинг кичкина ёрдамчилари бўлиб, фақат олқиши оладилар. Буни асардан олинган қуйидаги мисол ҳам тасдиқлайди: “Бугун ҳам биз ўзимиз билан овора бўлдик, хотин-қизлар далада ўтоқ қилаётгани учун катта боғдаги ўрикларни териш асосан бизга қолди. Ҳатто кичкина болалар ҳам ёрдамга келишди”[1,240]. Асардан олинган бу мисоллар танқидчининг юқоридаги мулоҳазалари асосиз эканлигини кўрсатади. Аммо қиссанинг конфликтини бўш. Шу боис, бизнингча, Карим Темурдек қони қайнок, қалби шижаот билан тепиб турадиган бола образи даражасига кўтарилимаган. Чунки тинчлик фақат истак ёки овоз бериш билан кўлга киритилмайди- да!



Адибнинг “Янги кунлар” қиссасидаги Абдураҳмон ҳаёт воқеалариға фаол аралашиши билан Гайдарнинг тиниб тинчимас қаҳрамонлариға ўхшаб кетади. Қисса бугунги болалар турмушки ҳақида бўлиб, унда яратилган образлар орқали замонамиз болаларининг урушга нафратини, дунё воқеалариға қизиқишини; нафақат ўз Ватани, балки она сайёрамиз тақдир иҳам уларнинг дикқат марказида эканлигига амин бўламиз.

Кўринадики, С.Барноев ижодий маҳоратининг ўсишида рус болалар адабиётининг, айниқса, А.Гайдарнинг таъсири катта бўлган.

“Болалар китоби, – деб ёзган эди болалар адабиётининг тадқиқотчиси И.Мотяшов,- ўзига хос ойна бўлиб, ёш китобхон дунёни биринчи марта шу ойна орқали кузатади...Болалар ҳаётни қандай бўлса, шундай - гўзал ва хунук, қувончли ва қайгули, ёрқин ва қабиҳ томонларини кўра билсин”[2]. Бу мулоҳазага таянадиган бўлсак, С.Барноевнинг мазкур қиссасини ўқиган ёш китобхон уруш даврида авлодларимизнинг яшаш тарзини билибгина қолмай, балки болаларнинг меҳнатсеварлиги, ўзаро тотувлиги, ҳаммага яхшилик қилиш истаги билан яшашларини кўриб завқланади, уларга эргашади. Шу жиҳатдан қаралса, ёзувчи қиссада муҳим ғояларни кўтариб чиққанлиги яққол кўринади.

Қиссанинг таъсирчанлигини таъминлаган омиллардан бири унинг бўёқдор тилидир. Адиг асарнинг боши ва якунида боланинг ойга мурожаатини келтиради. Қаҳрамон асар бошида қуёшдан, оймомодан, юлдузлардан отасини сўрайди, улар кўрдик деб жавоб беришади. Асар якунида эса отасидан қора хат келган бола янги ойдан сўрайди: “Янги ой! Сен айтгин, отам келадиларми? Негадир янги ой жимиб турибди. Қотиб қолгандек. Илож бўлса, ўзини булутлар орасига олмоқчи...”. Адиг унинг холати тасвирини боланинг руҳий кечинмалариға мослаштиради. Чунки боланинг отаси қайтмайди. Шунинг учун “юлдузлар ҳам жавоб бериш ўрнига лип лип учайдигандек, осмон қаърига кириб кетаяпти” [1,205]. Бола қалбида ҳали умид бор, шунинг учун эртага қуёшдан сўраайди. Аммо онаси ва холасининг аҳволини кўргач, ҳамма нарсага тушунади. Шу куни “ куёш ҳам унинг кўзига нурсиздай кўринади”.

Асарнинг қизиқарли чиқишини таъминлаган омиллардан яна бири унга турли маталлар, ривоятларнинг маҳорат билан сингдириб юборилишидир. Олтин хумча топиб олган уч оғайни ҳақидаги афсона (бобоси уни “ушук” деб атайди) болаларни бирликка, дўстлика чорлаши билан аҳамиятлидир.

Адиб қиссадан қиссага ўтган сари қаламининг чархланиб бораётганлиги “Туташ йўллар” асарида яққол сезилади. Асар олдинги қиссаларга нисбатан анча муваффақиятли чиққанлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Қисса композицияси ҳам ўзига хос қурилган. ”Нур ёғилган кун”да барча воқеалар қаҳрамон “мен”и тилидан ҳикоя қилинса, бу қиссада эса “мен” иккита: яъни асарнинг ўзи худди мумтоз адабиётдаги каби қолипловчи ҳикоя ва уни тўлдирувчи ҳикоячалар асосида тартиб берилган. Аниқроғи, воқелар биринчи -“мен” – ўқитувчи ва унга мактуб ёзган собиқ ўқувчи –“иккинчи -“мен” тилидан ҳикоя қилинади. Шу боисдан қиссанинг бош қаҳрамони образини қолипловчи ҳикоядаги образ тўлдиришга хизмат қиласди.

Асар қаҳрамони Тўлқинжоннинг ҳаётга болаларча боқиши, онасидан ажралган пайтдаги руҳий олами ёрқин чизиб берилган. Танқидчи П.Шермуҳаммедов қиссага муносабат билдира туриб, “Унинг қаҳрамони ҳам Алиқул сингари кундалик дафтар тутади”, - деб ёзади [4,160]. Аслида у кундалик тутмайди. Ўзининг бошидан кечирган воқеалар ҳақида ўқитувчисига хат ёзади. Ўқитувчи ўзига келган хатни унинг синфдошлари ҳам ўқисин деб ошкор қилаётганини айтади. Аслида бу С.Барноевнинг қисса композицион қурилишида қўллаган янгича бир усули бўлиб, асарнинг ўқимишли ва табиий чиқишини таъминлаб берган.

Асарда Тўлқинжоннинг кўча болаларига қўшилиб кетишига йўл қўймаган, уни тушунишга ҳаракат қилган Собир ака меҳрибон, ғамхўр, барча мактабларда учрайдиган бағрикенг ўқитувчиларнинг типик образи сифатида гавдалантирилган. Бола ҳаётининг яхши ёки ёмон томонга бурилиб кетишида атрофдагиларнинг таъсири катта. Тўлқинжоннинг ҳаётида қиссадаги Жорж – Жамил образи ана шундай роль ўйнайди. Сал бўлмаса, унинг таъсири остида Тўлқинжоннинг ёмон йўлга кириб кетиши образнинг ҳаққонийлигини таъминлаган ва ўқувчини ишонтириш кучига эга. Жиноят йўлига кирган одамларнинг баъзилари хатоларини тушунишса-да, яна қайта-қайта жиноят



қилишаверади. Баъзилари эса хатоларини камдан-кам ҳолларда тушуниб, кўпинча бошқа одамлар кўмагида бу йўлдан қайтадилар. Собир аканинг ёрдамида яхши йўлга тушиб қолган Жорж ана шундай одамларнинг тимсолидар. Ахир, ана шундай одамлар қанчадан-қанча болаларни йўлдан уриб, жиноят йўлига бошлаганлари кундай равшан-ку! Шу боис ёзувчи болаларнинг жиноят қўчасига киришлари, қўча болаларининг қўпайиши каби иллатларга қарши курашади. Унинг бугунги кунда ҳам ниҳоятда долзарб мавзуга қўл уриши қиссанинг ютуқларидан биридир.

“Туташ йўллар” қиссасидан қалби эзгуликка ташна одамларнинг йўллари ҳамиша бир-бирига боғланган бўлади, бир-бирига туташиб кетади деган ғоя сизиб ўтади. Ва бу ўқувчини яхши инсон бўлишга, қалби очик одамлардан ўрнак олишга ундейди. Қиссадан чиқадиган ҳисса мана шу.

Адибнинг қиссалари мавзу жиҳатдан ҳикояларига ўхшаса-да, образлар хилма хиллиги, савияси ва воқеалар талқини жиҳатидан фарқ қиласди. Инчунин, унинг “Янги ой” асарини олайлик. Қисса конфликтини уруш туфайли туғилган зиддиятлар ташкил этган бўлиб, булар Карим образида жамланади. Қиссада болаларнинг ғолиб оталарини интиқлик билан кутишлари қолипловчи ҳикоя вазифасини ўтайди ва асар сюжетини бирмунча тутиб туришга хизмат қиласди. Барча ўртоқлари қатори, асарнинг бош қаҳрамони Каримнинг ҳам орзуси битта: тезроқ уруш тугасин, отаси келсин. “Эргашнинг отаси ҳам. Ҳамма, ҳамманинг отаси”. Каримнинг дил сўzlари бутун инсоният билан бир сафда туриб, тинчликка ўз ҳиссасини қўшаётган болаларнинг тилаклари бўлиб жаранглайди. Аммо қиссанинг конфлиktи бўш. Гайдарнинг “Темур ва унинг командаси” асаридаги Темурдек қони қайноқ, қалби шижаот билан тепиб турадиган бола образи даражасига Карим кўтарилимаган. Чунки тинчлик фақат истак ёки овоз бериш билан қўлга киритилмайди- да!

Абдураҳмон – динамик образ, у қисса давомида ўсиб боради. Ўлими бутун дунёни ларзага солган Саманта Смитнинг фалокатли вафот этганини эшлитиб, у қаттиқ қайғуради ва буни бобосига сўзлаб беради. Бобоси Собир ота Абдураҳмондаги ўзгаришларни кўриб қувонади ва хаёлан ўзининг болалиги билан солишиширади: “Кизиғ-а. Ҳозирги болалар дунёдан боҳабар. Америка қайда ю, Ромитон қаерда?... Ўзи ўсган даврни қаранг. Қўшни қишлоқда



нималар бўляпти, билмасди. Бу бўлса зигирдек жони билан Американи ўйлайди, куюнади”.

Ёзувчининг катта ютуғи шундаки, у болалардаги янгича анъаналарни, янгича қарашларни, фаолликни сеза олган. Ўзининг бутун ҳайратини Собир отанинг сўзлари орқали акс эттирган. Адиб ўз қаҳрамонлари (Абдураҳмон, Хосият, Нодир, Рашида) ҳарактерида пайдо бўлган байналминал дўстликнинг манбаларини тасвирлашга ва шу орқали халқнинг маънавий қудратини кўрсатишга алоҳида эътибор берган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек болалар қиссачилигини ривожлантиришда, турли мавзулар билан бойитишда истеъдодли адиб Сафар Барноев ўрни муҳим эканлиги эътиборлидир. С.Барноев қаҳрамонлари – содда, ақлли, баъзан жуда ўйинқароқ, аммо уларни ичдан нурлантириб турадиган инсоний туйғулар жуда табиий тасвирланганки, бу адибнинг барча жанрда яратилган образларига хос фазилатлардир. Шунинг учун бу ҳикояларда ёзувчи яратган бош қаҳрамонлар ёш китобхонлар қалбига яқин бўлиб қолган. Зеро, китобхонда урушга қарши нафрат туйғусини уйғотган, уларни курашчанлик ва Ватанини севиш руҳида тарбиялаш мавзусида ёзилган асарлар ҳеч қачон эскирмайди, замонавийлигини йўқотмайди. Ақидапарастлик, террорчилик, дин ниқоби остида миллат равнақига таҳдид солиш авж олаётган тезкор давримизда С.Барноевнинг бу ҳикоялари ёш китобхон қалбida урушга, жаҳолатга қарши нафрат ўтини ёқа олади. Ёзувчи ижоди шу жиҳатлари билан ёш авлод учун ўқишли ва муҳим бўлиб қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- [1] Барноев С. Каримжон Карлсон. Тошкент. “Ёш гвардия”. 1988. 337 - 6.
- [2] Мотяшов И. Крылатые книжки. “Учительская газета”, 19 июля, 1972 г.
- [3] Сафо Матжон. Тириклик суви. Т.” Ёш гвардия”, 1986. – Б. 10 .

- [4] Шермухаммедов П. Ижод дарди. Тошкент. адабиёт ва санъат. 1973. 158 б.
- [5] Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён. Тошкент. “Фан”, 1989. 223 б.
- [6] Турдиева К. Ҳозирги ўзбек болалар шеъриятида маънавият масалалари. Фил.ф..номз....дисс. Т. 1994. – Б. 54.
- [7] Шарипова Л. XX асрнинг 70-80- йиллари ўзбек шеъриятида фольоризмлар. НДА. Т. 2008. - Б.15.

ПРОБЛЕМА ВЫБОРА КАРЬЕРЫ СТУДЕНТАМИ СТАРШИХ КУРСОВ ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ СПЕЦИАЛЬНОСТЕЙ

*Холигитова Насиба Хабибуллаевна
Международный университет Киме в Ташкент, заведующий
кафедрой “Педагогики и психологии”,
доктор философии по психологии (PhD), доцент.*

Аннотация: В статье рассматривается роль социально-психологических факторов в выборе профессии молодыми людьми, которая является одной из актуальных проблем современности. В данной статье рассматриваются теоретические и методологические вопросы проблемы выбора профессии, а также опыт развитых стран. Кроме того, в этой связи обсуждались возможности использования инновационных технологий.

Ключевые слова:

профессия, выбор профессии, профессиональное направление, инновационные технологии, классификация профессий

Abstract: The article examines the role of socio-psychological factors in the choice of profession by young people, which is one of the pressing problems of our time. This article discusses theoretical and methodological issues of the problem of



choosing a profession, as well as the experience of developed countries. In addition, the possibilities of using innovative technologies were discussed in this regard.

Keywords: profession, choice of profession, professional direction, innovative technologies, classification of professions

ВВЕДЕНИЕ

Современный мир профессий динамичен. В нем постоянно рождаются новые профессии и умирают или видоизменяются старые. В среднем жизнь одной профессии длится от 5 до 15 лет. При этом профессия может измениться, так, что при прежнем названии сама суть профессии будет уже совсем иной, в результате людям придется доучиваться, либо переучиваться, осваивая новые компетенции. В Международной стандартной классификации профессий (ISCO-08), предложенной Международной Организацией Труда, перечислены 7000 профессий, объединённые в 436 групп. Там же даны определения понятиям «работа» и «профессия». Работа определяется в ISCO-08 как «набор задач и обязанностей, выполняемых или предназначенных для выполнения одним лицом для работодателя или в рамках самозанятости». Профессия означает вид работы, выполняемой на рабочем месте. Профессия определяется как «набор должностей, основные задачи и обязанности которых характеризуются высокой степенью сходства». Человек может быть связан с профессией через основную работу, занимаемую в настоящее время, вторую работу, будущую работу или работу, занимаемую ранее. (https://www.ilo.org/public/english/bureau/stat/isco_isco08/index.htm). Эти соображения приводят к тому, что фокус все больше смещается в сторону поиска карьерных путей.

С одной стороны, на рынке труда существует конкуренция, особенно острая там, где либо вакансий меньше, чем ищущих работу («рынок работодателя»), либо высокий спрос на одни вакансии при наличии большого предложения со стороны кандидатов с другими компетенциями (профессионально-квалификационное несоответствие спроса и предложения). С другой же стороны, поле для трудоустройства расширяется за счет того, что становятся все более доступными не только местный локальный рынок, но и национальный, международный и рынок, где можно найти удаленную работу.



Рынок труда становится «рынком работодателя», если предложение рабочей силы существенно превышает спрос на нее. С такой ситуацией сталкиваются сегодня рынки труда европейских стран, где трудоустройство предполагает не только поиск и нахождение нужной вакансии, но также и прохождение достаточно сурового многоступенчатого профессионального отбора, в ходе которого кандидат должен убедительно продемонстрировать свои конкурентные преимущества по сравнению с прочими кандидатами на ту же вакансию. Несмотря на отличия, связанные со спецификой рабочего места и организации-работодателя, от кандидата требуется подтверждение его соответствия требованиям работодателя.

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

В последние все чаще используют такие понятия, как турбулентная среда, непредвиденные риски, быстрые изменения, с одной стороны, и такие как экономика знаний, устаревание компетенций, экстрабилити, с другой. Многие прогнозы относительно изменений рынка труда рушатся вследствие непредсказуемости социальной и экономической динамики на фоне технологического роста и демографического спада. Карьерный рост больше не рассматривается как линейный процесс, интегрирующий закономерности профессионального развития и динамику рынка труда. Теперь больше внимания уделяется нелинейным, случайным и незапланированным влияниям[15]. На фоне этой мощной социально-экономической динамики можно выделить точки бифуркации в развитии карьеры - переломные моменты, когда профессионал оказывается на распутье и должен сделать новый выбор. От этого выбора зависит его дальнейшая карьера.

Сегодня существуют разные подходы к вопросам развития карьеры. Примером может служить документ, разработанный консорциумом из 45 европейских ВУЗов, согласовавших свои позиции в области профориентации: «Сетевое сообщество развития инноваций в сфере профориентации и консультирования в Европе» («Network for Innovation in Career Guidance and Counselling in Europe», сокращенно NICE) (<http://www.nice-network.eu/>).

Кардинально меняется и потребитель профориентационных услуг – это уже не только подросток, школьник, молодой человек, а любой человек, в том числе профессионально состоявшийся квалифицированный и, возможно, в



настоящее время вполне успешный работник. Актуализируется значение вторичной профориентации как для выпускников вузов, так и работников, желающих или вынужденных по каким-то причинам менять профессию. Вторичная профориентация, таким образом, становится элементом жизненной стратегии[2]. Важно учитывать и новое определение профессиональной ориентации, введенное и одобренное Организацией экономического сотрудничества и развития (ОЭСР), Экспертной группой еврокомиссии по непрерывной профориентации, Советом Европейского союза и Всемирным банком в 2004 г.: «Профессиональная ориентация направлена на оказание помощи людям любого возраста и в любой момент их жизни по вопросам выбора направления обучения, профессиональной подготовки и сферы профессиональной деятельности и управления собственной карьерой» [1].

Проблему выбора карьеры студентами исследовали такие российские психологи как Цариценцева, О. П.[4], Москаленко, О. В.[5], Костина, Е. Ю., & Орлова, Н. А.[6], Гузич, М. Э.[7], Жданова, С. Ю. [8], Кутняк, С. В.[9].

Современное высшее образование построено по предметному принципу и основано на образовательных стандартах. В то же время современные организации требуют от своих работников выполнения работы согласно профессиональным стандартам. Профессиональные стандарты задаются либо на международном уровне (стандарты Международной организации труда), либо на страновом уровне (Виды квалификационных работ, установленные для страны), либо самой организацией (корпоративные стандарты труда). Если образовательные стандарты учат студентов согласно научному принципу классификации знаний, то профессиональные стандарты основаны на компенциях, знаниях и умениях, а также на определённых способностях и личностных качествах. Таким образом, наблюдается разрыв между квалификацией, которую получают студентов и требованиям того рабочего места, где им предстоит работать. В результате выпускникам ВУЗов предстоит задача освоить достаточно сложный переход от учебно-профессиональной деятельности к собственно профессиональной, что составляет суть вторичной професионализации. Вторая задача, которая встает перед выпускниками ВУЗов – выбор и планирование карьеры. Также, как и выбор профессии в старших классах школы, здесь тоже много факторов, определяющих то, будет



ли выбор Концепция «образование и профессия одни и на всю жизнь» просуществовала до 80-х годов 20 века. В связи с технологическим развитием профессии стали терять свои границы и «размываться», что привело к несостоительности концепции монопрофессионализма. Вместо выбора профессии и типа образования, необходимого для того, чтобы стать профессионалом в выбранном направлении, консультанты перешли к помощи в разработке индивидуальных траекторий профессионального развития и карьерного роста. Объектом профессиональной диагностики клиента становятся набор его компетенций и система ценностей, которые подвергаются ревизии каждый раз, когда человек выходит на новый уровень своего профессионального роста. Новая парадигма профориентации предполагает уход от однозначного понимания профессиональных интересов и склонностей к фокусу на ценности и компетенции субъекта как основу его конкурентоспособности на рынке труда. Сдвиг переходит от акцента на помощи в выборе карьеры к сопровождению процесса самоутверждения через множество возможностей и обучению процесса выбора и принятия решений.

РЕЗУЛЬТАТЫ

Какие инструменты оценки используются в профессиональном консультировании? Эти инструменты обычно делятся на три категории: инвентаризация интересов, личностная оценка и тесты способностей

Групповой профконсультацией считается вид профориентационной помощи в ситуации взаимодействия профконсультанта не с одним клиентом, а с группой в 5-12 человек. Такие консультации традиционно используются в профориентации школьников, но также встречаются в деятельности служб занятости. Вследствие роста запросов на консультирование групповая консультация становится все более актуальным направлением работы. Групповая консультация имеет свои преимущества, позволяя экономить время консультанта в тех видах деятельности, которые не требуют обязательной индивидуальной работы (сбор отдельных данных о консультируемых, некоторые виды диагностики). Групповая форма консультации предъявляет определенные требования к профконсультанту: он должен иметь навыки с группой, ораторские способности, уметь донести информацию, чувствовать настроение аудитории, поддерживать интерес участников.



Для того, чтобы определить влияние социально-психологических факторов на выбор карьеры студентов старших курсов ВУЗов, необходимо ответить на следующие исследовательские вопросы:

1) Какие социально-психологические факторы выступают наиболее важными независимыми факторами, влияющими на выбор карьеры студентами старших курсов?

2) Какие приемы психологического сопровождения будут эффективными на этапе выбора карьеры у старшекурсников?


Социально-психологические факторы, которые оказывают влияние на выбор карьеры и вторичную профессионализации (независимые переменные), а также методы их диагностики представлены в табл.1.

Таблица 1.

Независимые переменные в исследовании и методы их диагностики

№	Независимые переменные	Методы диагностики
1	Участие в профильных кружках	Глубинное интервью студента
2	Личностные качества: экстраверсия, открытость, доброжелательность, добросовестность, невротизм	Методика «Большая пятерка»
3	Преподаватели как ролевая модель	Глубинное интервью студента
4	Влияние массмедиа	Фокус-группы студентов
5	Профессиональный тип личности	Опросник Д.Холланда «Изучение мотиваций выбора профессии»; тест Л.А.Ясюковой «Изучение мотиваций выбора профессии»;
6	Самооценка	Методика самооценки Будасси

Показатели выбора карьеры (зависимые переменные), а также методы их диагностики представлены в табл.2.

**Таблица 2.****Зависимые переменные в исследовании и методы их диагностики**

№	Зависимые переменные	Методы диагностики
1	Карьерные ориентации	Методика Шейна «Якоря карьеры»
2	Наличие плана трудоустройства	Глубинное интервью студента
3	Наличие плана карьеры	Глубинное интервью студента
4	Мотивация профессиональному развитию	Дубовицкая Т.Д. ДИАГНОСТИКА МОТИВАЦИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
5	Потребность самодетерминации Потребность компетентности Потребность в связях с другими	Диагностика интринсивной (внутренней) мотивации Диси-Райана

ВЫВОДЫ

Выпускники вузов слабо представляют себе карьерные возможности на рынке труда и в организации. Их надо этому учить. Задача такого обучения: познакомить их с тем, какие есть сегодня виды карьеры. Методика группового консультирования позволит планировать и проводить занятия со студентами с ориентацией на рыночные отношения, разработать и провести апробацию Методики группового консультирования студентов-старшекурсников о видах карьер как играх по разным правилам.

Практическая ценность работы состоит в том, что будет разработана методика групповой консультации и научно-методические рекомендации сопровождения студентов на этапе выбора и планирования карьеры.

ЛИТЕРАТУРА

1. Brown D., Brooks L. (1991). Career counselling techniques. Boston: Allyn, Bacon.
2. Mcilveen, P.; Patton, W. (2007-09-01). "Narrative career counselling: Theory and exemplars of practice" (PDF). Australian Psychologist. 42 (3): 226–235. doi:10.1080/00050060701405592. ISSN 1742-9544.
3. An introduction to work and organizational psychology: a European perspective \ Edited by Nick Chmiel. 2008 by Blackwell Publishing Ltd. – 566 p.
4. Цариценцева, О. П. (2013). Социально-психологические детерминанты выбора карьеры современными студентами. Научно-методический электронный журнал Концепт, (T3), 3281-3285. <https://e-koncept.ru/2013/53662.htm>
5. Москаленко, О. В. (2012). Проблема планирования карьеры студентов в предметном поле акмеологии. Акмеология, (4 (44)), 24-27. <https://cyberleninka.ru/article/n/problema-planirovaniya-kariery-studentov-v-predmetnom-pole-akmeologii>
6. Костина, Е. Ю., & Орлова, Н. А. (2015). Рынок труда и построение профессиональной карьеры студентами. Высшее образование в России, (11), 28-35. <https://cyberleninka.ru/article/n/rynek-truda-i-postroenie-professionalnoy-kariery-studentami>
7. Гузич, М. Э. (2016). Психологический аспект планирования и управления индивидуальной карьерой студентами и выпускниками вуза. Педагогическое образование в России, (6), 178-183. <https://cyberleninka.ru/article/n/psihologicheskiy-aspekt-planirovaniya-i-upravleniya-individualnoy-karieroy-studentami-i-vypusknikami-vuza>
8. Жданова, С. Ю. (2011). Особенности представлений студентов о карьере. Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Педагогика, психология, (4), 102-105. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_17086258_23052804.pdf
9. Кутняк, С. В. (2010). Становление карьеры будущего учителя в процессе профессиональной подготовки. Известия Российского государственного педагогического университета им. АИ Герцена, (125).



<https://cyberleninka.ru/article/n/stanovlenie-kariery-buduscheho-uchitelya-v-protsesse-professionalnoy-podgotovki>

10. Cohen-Scali V., Rossier J., Nota L. (Eds.). (2018). New perspectives on Career Counselling and Guidance in Europe: Building careers in changing and diverse societies. Cham, Switzerland: Springer International Publishing AG

11Jigau M. (Ed.). (2007). Career Counselling - Compendium of Methods and Techniques. Bucharest: AFIR. Retrieved from http://www.rajaleidja.ee/public/Suunajaus/Career_Counselling._Compendium_of_Methods_and_Techniques.pdf

12. Savickas M.L. (2015). Career counseling paradigms: Guiding, developing, and designing. In P.J. Hartung, M.L. Savickas, W.B. Walsh (Eds.), APA handbook of career intervention: Volume 1: Foundations, Washington, DC: American Psychological Association, 129–143.

13. Super D.E. (1980). A life-span, life-space approach to career development. Journal of Vocational Behavior, 16(3), 282 – 298.

14. Super D.E. (1990). A life-span, life-space approach to career development. In D. Brown, L. Brooks (Eds.), Career choice and development: Applying contemporary theories to practice. San Francisco, CA: Jossey – Bass, 197 – 261.

15. Pryor, R. G. L., & Bright, J. E. (2011). The chaos theory of careers: A new perspective on working in the twenty-first century. New York, NY: Routledge.

16. Athanasou, J. & R. Van Esbroeck (ed.). International Handbook of Career Guidance. Springer. ISBN 978-1-4020-6229

17. Abingdon, UK: Routledge. McIlveen, P., & Schultheiss, D. E. (Eds.). (2012). Social constructionism in vocational psychology and career development. Rotterdam, The Netherlands: Sense.

BOLALAR LEKSIKONINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Shamsiyev O'ktam Baxriddinovich

Alfraganus university professori, psixologiya fanlari doktori (DSc)

M.Shamsiyeva

ToshDO'TAU O'zbek tilshunosligi kafedrasи, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Annotatsiya: Olti-yetti yoshli bolaning lug'at periferiyasida oldingi yoshlardagi butun lug'atiga xos bo'lgan so'zni ajratish va tushunish qonuniyatlari namoyon bo'ladi. Talaffuzi o'xshash bo'lgan so'zlar o'rtasidagi ham paradigmatic, ham mavzu-mazmun munosabatlari ham bola leksikoni uchun muhimdir. Maqolada ushbu masalalar yoritiladi.

Kalit so'zlar: olti-yetti yosh, semantika, paradigmatic aloqa, konsept, metafora, frazeologizm.

Аннотация: На периферии словарного запаса ребенка шести-семи лет проявляются законы разделения и понимания слов, характерные для всего словарного запаса ранней молодости. Для словарного запаса ребенка важны как парадигматические, так и предметно-содержательные отношения между словами, близкими по произношению. В статье рассматриваются эти вопросы.

Ключевые слова: шесть-семь лет, семантика, парадигматическое общение, концепт, метафора, фразеологизм.

Abstract: In the periphery of the vocabulary of a six-seven-year-old child, the laws of word separation and understanding, which are characteristic of the entire vocabulary of earlier youth, are manifested. Both paradigmatic and subject-content relationships between words with similar pronunciation are important for the child's lexicon. The article covers these issues.

Key words: six-seven years old, semantics, paradigmatic communication, concept, metaphor, phraseologism.

KIRISH

Bolaning individual so'z boyligi uning umumiyligi rivojlanish darajasi bilan belgilanadi. Bu shakllangan tushuncha, paradigmatic bog'lanishlarning barqarorligi, so'zning bo'linishi to'g'risidagi tasavvur, so'z va denotat munosabatida o'z aksini topadi. Olti-etti yoshlilarning leksikoni o'ziga xos xususiyatga ega. Ushbu yoshdagi individda bo'linmagan (odatda, bir so'zli) nomlar

asosiy so‘z zaxirasini tashkil etadi. Olti-etti yoshli bolaning lug‘ati kattalarnikidan sezilarli darajada farqlanadi. Tafovutlar leksikon birliklari miqdori, ular o‘rtasida o‘zaro aloqani o‘rnatish usuli, har bir birlik bilan assosiasiyalangan tasavvurlar va shaxsiy mazmunga bog‘liq. Hatto bir xil yoshdagi bolalarda ham so‘zlar zaxirasi jinsi va umumiy rivojlanish darajasiga qarab katta farq qiladi. Ichki nutqdagi farqlar yana ham muhim. Konseptning olti-etti, qisman o‘n-o‘n bir yoshgacha ham shakllanmasligi bolalarning so‘z ma’nosini haqidagi tasavvurining asosiy xususiyatlaridan biridir. Bu bolaning tafakkur xususiyatlari bilan bog‘liq bo‘lib, izoh talab qilmaydi. Ta’kidlash joizki, bola “kundalik tushunchalar” va “yaqin” so‘z ma’nosiga ega. Bu fenomenlar konsept bilan emas, tasavvur bilan bog‘liq, ya’ni so‘zning signifikativ semantik jihatiga (fikrni ifodalash shakli) emas, balki denotativ (nomlanish)ga yo‘nalgan. Konsept shakllanmaganligi bola assosiasiylarida ham kuzatiladi. Ichki leksikonda mantiqiy aloqalar va munosabatlarning zaiflashganligi paradigmatic aloqalarning barqaror emasligi bilan bog‘liq. Barqaror paradigmatic aloqalar signifikat asosida shakllanadi va kategorial semantikaga doir bo‘ladi (shaxs, jonli/jonsizlik, aniqlik, jamlovchi). Ushbu xususiyatning namoyon bo‘lishiga bir misol, bu – otlarni jonlantirishdir. Paradigmatik aloqalarning beqarorligi grammatic kategoriyalarni bosqichma-bosqich o‘zlashtirishi bilan asoslanadi: “Grammatik kategoriyalarni o‘zlashtirishning bosqichma-bosqichligi kategoriyalarning mazmun jihatdan farqlovchi xususiyatlarini sintaktik o‘zlashtirishga o‘tishi, so‘ngra sintagmatikdan paradigmatic, so‘ngra kategoriyalarni aralashtirish va o‘zaro o‘rin almashtirishdan ularning referensial xususiyatlariga o‘tish bilan bog‘liq”[1]. Barqaror paradigma nutq bo‘laklarining referensial xususiyatlarini anglamay turib shakllanmaydi. Ayni paytda buning uchun ham mavhum, ham etarlicha rivojlangan metalingvistik qobiliyatlar kerak bo‘ladi. Paradigmatik tizimlilik o‘rniga signifikat asosidagi tizimli munosabatlar bola leksikonida predmet faoliyati orqali dunyoni anglash bilan bog‘liq bo‘lgan denotatga asoslanadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI

Ma’lumki, taxminan 10 yoshlargacha bolalar otni yaxshi farqlay olmaydi va predmetning o‘zi “nominal realistlar” sanaladi. Bu erkin tasnidfa va so‘zning sub’ektiv chastotasi bahosida o‘z aksini topadi. Erkin tasnid va so‘zning sub’ektiv chastotasi bahosi bo‘yicha eksperimentlarda bola nominasiya bilan emas, balki denotat bilan ish ko‘radi. U til birligini emas, denotat chastotasini baholaydi. Bu tushunishni murakkablashtiradigan nutqning ehtimoliy bashorati “uzilishlari” bilan bog‘liq.

Yu.A. Elkonin, A.C. Shternlar[7] turli yoshdagi bolalarda so‘zning sub’ektiv chastota bahosi bo‘yicha o‘tkazgan eksperiment ma’lumotlarini tahlil qilish asosida



xulosa qiladiki, ontogenezda tilning rivojida dunyoni anglash predmet faoliyati orqali amalga oshadi va kattalarning bahosi bilan o'rta darajada mos tushadi. Maktab metodi asosida tilni o'zlashtirish faqat yuqori chastotali guruhlardagina yaxshi shakllanadi. So'z qanchalik kam uchraydigan bo'lsa, ehtimoliy prognozlash mexanizmi shunchalik kam shakllangan bo'ladi. Shunday qilib, etti yoshlilar o'z leksikoni periferiyasida ishlashi uchun maxsus harakatlar talab etiladi. Bolalar tomonidan metafora va frazeologizmlarni tushunish xususiyatlari konseptning shakllanmaganligi bilan bog'liq. Metaforada predmetli mazmun yo'q bo'lib ketadi. Metafora predmetli dunyodan ajralgan va til bilan yaqin bog'langan voqelik predmetlari o'rtasidagi aloqani ilg'ash qobiliyatini nazarda tutadi. Agar predmet dunyosida ajralgan ob'ektlarning til dunyosida bola shaxsiy ma'nosining o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqmasa, bu olti-etti yoshli bolalar uchun nisbatan murakkab vazifa sanaladi. So'zning metaforik ma'nolari bolalar assosiasiyalarida namoyon bo'ladi: bolalar tomonidan insonga xos sifatlar jonsiz narsalarga ko'chgan ko'chimlar o'zlashtirilgan (*harf – chiroyli, koptok – quvnoq*) va *asosiy ob'ektni rang (kuz-tilla) va harakat (ot-sakrovchi)* asosida o'xshatish kuzatiladi. Boshqa metaforalar bolalar tomonidan noadekvat tushuniladi. Etti yoshlilar metaforalarni talqin qilishda ob'ektning asosiy ham yordamchi belgilariga tayanadi: masalan, kumush qish – hammayoq yaltillaydi, oppoq (asosiy ob'ekt – qish talqin qilinmoqda); chiroyli (yordamchi ob'ekt talqin qilinmoqda). Birinchi sinf o'quvchilari tomonidan frazeologik birliklarni tushunish strategiyasi o'xhash bo'lib, barcha idiomalar etarli darajada tushunilmaydi. Frazeologizm bolalar tomonidan asosiy komponent orqali ham talqin etiladi: ***qulog'iga lag'mon osmoq – aldamoq, aldab lag'mon osib qo'yish.*** So'zning qismlarga ajralishi haqida olti-etti yashar bolalarning fikri o'ziga xosdir.

Olti-etti yoshga kelib aksariyat bolalarda o'zicha so'z yasash ortda qoladi. Biroq so'zni ahamiyatli qismlar – morfemalar – va bir morfemaning allomorf o'xshashligini o'rnatish katta til sohiblarinikidan keskin farqlanadi. Bu univerbizasiya mexanizmining faoliyatida namoyon bo'ladi, ya'ni ichki nutqda yasama so'zning shakllanishi nafaqat so'z hosil qilishda, balki yasama so'zlarning anglanishida ham ifodalananadi. Bolalar ba'zan adabiy tildagi (ba'zan ahamiyatsiz, bir-ikki tovushni almashtirish) so'zni almashtiradilar. So'zning bo'linishi haqidagi tasavvur, avvalo, ichki shaklni tushunish bilan bog'liq.

Bolada "bir shakl – bir mazmun" strategiyasi ustunlik qiladi, shu sababli talaffuzi o'xhash bo'lgan so'zlar o'rtasida mazmun aloqalari o'rnatiladi. U avvalo, periferiyada – sub'ektiv kam uchraydigan so'zlarning talqinini anglashda paydo bo'ladi: *otquloq (o'simlik) – otning qulog'i, toshma – tosh, toshni ol.* Bola so'zdagi ba'zi tayanch tovushlar va tovushlar birikmasini ona tilidagi unga ma'lum bo'lgan

leksemalar bilan assosiasiyalab ajratadi. Bu tovush birikmali bolaga ma'lum bo'lgan morfemalarning allomorfasi maqomiga ega bo'ladi. Bola ko'pincha real morfem chegaralarni e'tibordan chetda qoldiradi: *toshma* so'zida bola o'ziga ma'lum asosni ajaratadi – *tosh* – va shu asosida butun so'z ma'nosini hosil qiladi.


Z. Freyd[14] aql-idrokning ongsizlikka munosabatini tahlil qilib, aql-idrok manbalarini bolaning jumlada so'zlarni ma'nosiga ko'ra emas, balki tovush o'xshashligiga qarab joylashtirish strategiyasini aniqlaydi. Bola zavq olish uchun so'zlarni ma'nosiga qarab emas, talaffuziga ko'ra birlashtiradi. Bu zavq unga astasekin man etiladi va nihoyat so'zning faqat ma'noli bog'lanishiga asoslanadi. Morfemaning ajratilishi bolalar amaliy grammatikasining o'ziga xos xususiyatlari bilan bog'liq. S. Seytlin[15] bolalar va normativ grammatika o'rtasidagi asosiy farqni ko'rib chiqadi, chunki bolalar grammatikasi kamroq qoidalarni o'z ichiga oladi, har biri kamroq harakat radiusiga ega. Bolalar grammatikasining qoidalari normativ grammatikaning juda umumlashtirilgan va soddalashtirilgan qoidalardan boshqa narsa emas. S. Seytlin bolalar amaliy grammatikasining normativ grammatikadan asosiy farqini qaratqich kelishigini shakllantirishda cheklov larning yo'qligi; shakllarni farqlashda affiksal usulning kam uchrashi kabilarda ko'radi. Bolalar grammatikasidagi ko'rsatib o'tilgan xususiyatlar so'zlashuvda periferiya me'yorida kuzatiladi. Bu kamchiliklarni MTTlarida nutqni rivojlantirish mashg'ulotlarida maxsus ishlar orqali bartaraf etish mumkin, bu turdagi kamchiliklar maktab o'quvchilari uchun ham xosdir.

TAHLIL VA NATIJALAR

Kengaygan nutqning tuzilishi, bir tomondan, kognitiv rivojlanish, vaziyatda ob'ektlarni ajratish qobiliyati, ob'ektlar o'rtasida munosabat o'rnatish bilan, boshqa tomondan, suhabatdoshni yo'naltirish hamda o'zi ham ijtimoiy roliga moslashishi bilan bog'liq.

Besh yoshli bolada etarli darajada til qobiliyati, shuningdek, maqsadga yo'naltirilgan jamoaviy harakatlar va ular bilan bog'liq bo'lgan matnlarni yaxshi tushunishi uchun zarur bo'ladigan struktur sxemalar shakllangan bo'ladi. Bundan kelib chiqadiki, maktab yoshiga kelib bola nutqning vaziyatli shartlangan modellari, oddiy sintaksis me'yorlarini egallaydi. Vaziyatdan ob'ektlarni ajratish va ular o'rtasidagi o'zaro munosabatlarni verballashtirish usullari tilning sintaktik tuzilishini o'zlashtirish bilan bog'liqidir. Bolalar nutqida sintaksisning quyidagi darajalari ajratilgan: mazmuniy (tema-rema), semantik (freymlar va kelishiklar), yuzaki-grammatik.

Mazmuniy sintaksislash – bu nutq hosil qilishning birinchi bosqichi. Unga predikasiya akti sifatidagi ob'ekt va remaning tema dixotomiysi va so'zlovchining motivi bilan beliglanadigan vaziyatni ajratish kiradi. Mazmuniy sintaksislash "ichki



so‘zlar” bilan amalga oshiriladi va milliy tilning xususiyatlariga bog‘liq bo‘lmaydi. Bola nutqi mazmuniy sintaksislashdan boshlanadi.

Semantik sintaksislash – bu keyingi bosqich. U ifodada nominasiyalash funksiyasini aks ettiruvchi semantik kelishiklar bilan bog‘lanishni aniqlaydi va tilning tipologiyasiga qarab turlicha tuziladi.

Bola nutqida sintaksisning shakllanishi, asosan, semantik kelishiklardan rivojlanadi va psixikaning murakkab tuzilishini aks ettiradi. Aktantlarning o‘zaro munosabatlari so‘zlarning tartibida ifodalanadigan grammatik tuzilish “yuzaki” kelishiklar bilan bog‘liq bo‘lgan so‘z shakllarini tanlashni sezilarli darajada quvib o‘tadi. Bola passiv gaplarning ma’nosini tushunishida bu qonuniyat namoyon bo‘ladi. *It mushukni quvlar moqda*, bolalar sub’ekt va ob’ektni aralashtiradi. Bu bosh kelishikning o‘ziga xos maqomini aks ettiradi. Nominasiyaning sintaktik funksiyasi quyidagi izchillikda: sub’ekt, undan so‘ng ob’ekt, ulardan so‘nggina qolgan aktantlar – shakllangan: gaplarda bosh kelishikning o‘zi etarli, chunki sintaktik munosabatlarning asosiy ifodalanish vositasi so‘zlar tartibi hisoblanadi.

Shu tariqa, olti yoshda til kompetensiyasi, asosan, shakllangan bo‘ladi, biroq “bolalar”ning shakllangan til kompetensiyasi “kattalar” nikidan jiddiy farqlanadi, bu bolaning kognitiv rivojlanish darajasi bilan bog‘liq.

Bolalar va kattalar til kompetensiyasining asosiy farqlari quyidagilardir:

- ob’ektning asosiy, muhim belgilarini aks ettiruvchi konsept, mavhum tushunchaning shakllanmaganligi;
- ular tomonidan belgilanadigan ob’ektning belgi va xususiyatlaridan biri so‘z haqidagi tasavvur ekanligi;
- obrazli so‘zlarni anglashdagi qiyinchilik;
- til birligini ifodalash planida umumiylilik asosida ichki leksikondagi ahamiyatlilik;
- “bolalar amaliy grammatikasi, “ichki” sintaksisdan “tashqi”siga o‘tishdagi ba’zi uzilishlar” bilan bog‘liq farqlar.

Bolalar nutqining grammatik tuzilishini egallash xususiyatlari bo‘yicha o‘tkazilgan tadqiqotlarimizdan ma’lum bo‘lishicha, 5-8 yoshli bolalar nutqining grammatik tuzilishi hali yaxshi shakllanmagan bo‘ladi. Bu bolalar nutqida chegaralangan grammatik vositalarning qo‘llanishida namoyon bo‘ladi. Ona tilini o‘zlashtirish jarayonida og‘zaki nutq til komponentlarining normal rivojlanishi etti yoshgacha bo‘lgan davrda kechadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Austin J.L. How to do things with words. – London: Oxford University Press, 1962. – 166 p.
2. Bloomfield L. Language. – London: George Allen & Unwin, 1935. – 566 p.
3. Garcia O., Lin A.M.Y. Translanguaging in bilingual education // Bilingual and Multilingual Education / O. García, A.M.Y. Lin (eds.). – 3rd ed. – Cham, Switzerland: Springer, 2017. – P. 117–130. – (Encyclopedia of Language and Education).
4. Grosjean F. Bilingual: life and reality. – Cambridge: Harvard University Press, 2010. – 276 p.
5. Hammers J., Blanc M. Bilinguality and bilingualism. – Cambridge: Cambridge University Press, 2000. – 458 p.
6. Macnamara J. The bilingual's linguistic performance – a psychological overview // Journal of Social Issues. – 1967. – Vol. 23, iss. 2. – P. 58–77.
7. Особенности психического развития детей 6-7-летнего возраста / [Е.З. Басина, Л.В. Берцфай, Е.А. Бугрименко и др.]; Под ред. Д.Б. Эльконина, А.Л. Венгера. - М.: Педагогика, 1988. - 135 б.
8. Shamsiev U.B. "Family holding-psychological mechanism of child socialization": monograph// "Tashkent Institute of Chemical Technology". Tashkent: Navruz, 2018. 124 s. <https://cyberleninka.ru/article/n/ona-fenomeni-bola-zini-zi-anglash-omili-sifatida>
9. Shamsiev U.B. Family holding and personality Genesis "educational-methodical manual" Main Library of the Academy of Sciences of Uzbekistan " printing house, 2016, Page 46. <https://cyberleninka.ru/article/n/ona-fenomeni-bola-zini-zi-anglash-omili-sifatida>
10. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. – М.: Наука, 1976. – 384 с.
11. Кубрякова Е.С. В поисках сущности языка // Кубрякова Е.С. В поисках сущности языка: когнитивные исследования. – М.: Знак, 2012. – С. 63–78.
12. Райл Г. Понятие сознания: пер. с англ. – М.: Идея-Пресс: Дом интеллектуальной книги, 1999. – 408 с.
13. Таскаева Е.Б. Многоязычие в современном мире: культурные традиции и направления исследования // Вестник Сибирского государственного университета путей сообщения: Гуманитарные исследования. – 2017. – № 2. – С. 50–57.



14. Фрейд, З. Психопатология обыденной жизни: [12+] / З. Фрейд ; читает Илья Прудовский. – Москва: Студия АРДИС, 2007. – 1 файл (07 ч 33 мин 00 с). – Загл. с обл. – Формат записи: MP3. – Режим доступа: по подписке. – URL: <https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=603664>. – ISBN 4607031756706. – Устная речь: электронная.

15. Цейтлин, С.Н. Язык и ребенок: Лингвистика дет. речи: [Учеб. пособие для вузов] / С. Н. Цейтлин. - М.: Владос, 2000. - 238 б.


ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНЛАРНИНГ УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СТРАТЕГИЯСИ.

*Шириноев Музаффар Кучарович
Тошкент Кимё халқаро университети
“Педагогика ва психология” кафедраси дотценти.*

Аннотация: Инсон учун хавфсиз атроф мухитни таъминлаш бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Муаммолар нимада кўринмоқда табиий ресурсларнинг тез камайиб кетиши, аҳоли учун иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ортиб боришида. Табиатга оқилона мунасобатда бўлишда табиий фанларнинг бошланғич негизи бўлган “Табиатшунослик” фанини ўқитишда интегратив ёндашув асосида узвийликни таъминлаш стратегияси муҳим аҳамиятга эга. Мақолада узвийликни таъминлаш стратегияси интегратив ёндашув асосидаги фикрлар баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: табиатшунослик, атроф-муҳит, узвийлик, интеграция, табиий фанлар тизими, инсон, жамият, таълим, ўқитиш, фан, экология.

Аннотация: Одной из основных проблем сегодняшнего дня остается проблема обеспечения безопасной окружающей среды для человека. Проблемы проявляются в быстром исчерпании природных ресурсов, увеличении экономических и социальных потребностей. Важной значимостью обладает стратегия обеспечения непрерывности



путем использования интегративных методов в преподавании предмета "Природоведение", основой чего служит бережное отношение к природе.

Ключевые слова: природоведение, окружающая среда, непрерывность, интеграция; система естественных наук, человек, общество, образование, обучение, предмет, экология

Anntotsion: The main meaning has the strategy of guaranteeing continual integrative processes in teaching " Nature science" which is the basis of careful attitude to nature. Creating safe environment for human stays as one of the main problems nowadays Problems are demonstrating in ending natural resources, increasing the economical and social necessity of human.

Key words: science of nature, environment, continual, integration, system of natural sciences, human, society, education, teaching, subject, ecology.

КИРИШ

Ҳозирги вақтда кишилар яшаётган муҳитнинг салбий томонга ўзгараётганлиги сайёрамизнинг аҳолиси учун ташвишли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Дунёдаги энг асосий зиддиятлардан бири, Инсонни қайта ўзгартириш фаолият стратегияси билан экотизимларни ривожлантириш ўртасидаги фарқлар ҳисобланади. Равшанки, асрлар давомида шаклланиб, ривожланган, биз эса ўз ҳаётимиз мазмуни билан унга тобе бўлган экотизмни вайрон қилмаслигимиз даркор. Чамаси, ушбу муаммонинг ечимини инсоннинг дунёдаги ўрни, унинг дунё бўлган муносабатини ўзгартиришдан излаш керак. Бунинг учун табиатни ўрганадиган фан оламига мурожаат қилиб, унинг қонуниятларига суюниш керак. Дарҳақиқат, табиий фанлар доирасида шундай табиат қонуни ва қонуниятлари ётадики, уларни ўрганиш ҳар қандай билимнинг асоси ва моҳиятини ташкил этади.

Шунга кўра, табиий фанлари бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда ва унинг мазмуни янгиланишни талаб қилмоқда. Табиий фанларга: Астрономия, Геология, География, Биология, Кимё ва Физика фанлари киради. Бу фанлар табиатшуносликнинг пойдевори бўлиб ҳисобланади, бу фанлар негизида янги-янги фан бўғимлари



пайдо бўлмоқда, уларни ўзлаштиришда кўпгина тушунчалар ақл, онг билан идрок этишни талаб этмоқда⁹.

Шу ўринда табиатшуносликнинг ўрганишнинг учта бош йўналиши бор.

1. Жуда катта, кенгни ўрганиш.
2. Жуда кичкинани ўрганиш.
3. Жуда мураккаб ўрганиш.

Жуда каттани астрономия фани ўрганади, астрономик асбоблар ёрдамида Борлиқни ўрганиб, бизни нима кутаяпти, биз Борлиқ билан биргамизми йўқми ва бошқа саволларга жавоб топишга ҳаракат қиласди.

Жуда кичкинани физика ўрганади. Атомлар ва зарралар дунёси, тузилиши, ҳодисалар, куч, сақланиш қонуни ва бошқалар.

Жуда мураккабни биология фани ўрганади, тирик ҳужайралар, кимёвий элементлар, кўп ҳужайралилар, генетика тафаккур тирик ва атомлар дунёсидаги боғланиш, космоснинг таъсири ва бошқалар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Д.Ёрматованинг «Табиий фанларнинг замонавий концепцияси»¹⁰ ўрганар эканмиз, аввало, у қанақа фан, қачон ва қандай пайдо бўлган, унинг тарихи, таркиби ва ривожланиш жараёни қандай бормоқда, деган саволларга жавоб излаймиз. Устига устак бу жараёнда қадимги замон фани, ўрта асрлар фани, ҳозирги замон фани, Шарқ ва Ғарб олимларининг фандаги хизматлари, ижтимоий, фалсафий ва табиий қарашлари, борлиқнинг ва одамнинг пайдо бўлишига оид бир-бирига зид фикрларга дуч келамиз. Ўқитувчи бундай пайтда ўқувчиларга бу борадаги ижобий фикрларини етказиши, улар орасида ўзаро қизғин баҳс олиб борилишига туртки бериши, уни асосли фикрларга таянган ҳолда ўзи хулосалashi зарур.

Табиат, табиий фанлар мазмунини ҳар бир шахс билиши зарур.

Савол туғилади:

- Табиат нима?
- Табиатни қайси фанлар ўрганади?
- Табиий фанларни қаерда ёки қайси синфлардан бошлаб ўрганиш керак?
- Қанча миқдорда, қандай қилиб ўрганиш керак?

Таълимга оид қатор ҳужжатларда ўқувчиларда дунёни яхлит идрок этишни шакллантиришни асосий мақсад қилиб олиш,

⁹ Ёрматова Д. Табиий фанларнинг замонавий концепцияси. - Т.: «Алоқачи» нашриёти, 2008. - 9-бет.

¹⁰ Ёрматова Д. Табиий фанларнинг замонавий концепцияси. - Т.: «Алоқачи» нашриёти, 2008.



зарурлигини таъкидлайди. Мактабнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда дунёга яхлит, ўзаро алоқадор бўлган бирлик сифатида қарашни, унинг глобал муаммолари ҳамда бу муаммолар ечимини кўра ва тушуна билишни шакллантиришдан иборат. Таълим мазмунида инсон ва унинг дунёга бўлган муносабати: “инсон ва табиат”, “инсон ва жамият”, “инсон ва инсон”, “инсон ва техника”, “табиат-инсон-техника-атроф-муҳит” муаммоси тобора марказий ўрин эгалламоқда.

Табиатни ўрганувчи фанларни бир синфда бир марта ўрганиб бўлмайди. Уни боғча, мактаб, ўрта маҳсус қасб-хунар таълим ва олий ўқув юртларида таълим тизимида ва мактабдан ташқари вақтларда узлуксиз ҳамада узвийлик асосида ўрганмоқ зарур. Табиий фанлар таълими мазмуни инсон ва табиат алоқадорлиги атрофидаги муаммоларни ўрганувчи турли ўқув фанларига оид билимлар узвийлиги ва интеграциясини акс эттиromoғи лозим, бу эса табиий фанларга оид билимларни сифат жиҳатдан янги ўзгаришларга олиб келади. Бу билимлар ўзига хос синтез, табиий фанларга оид билимлар ва инсонпарвар йўналишлар мажмуи сифатида намоён бўлади. Уларнинг тафаккурнинг тизимли ва эҳтимолли услуби сифатида тавсифланиши табиий билимларнинг ажralиб турадиган хусусиятлари сирасида киради. Айнан узвийлик асосида ташкил этилган интеграция биосферани илмий билиш, инсон фаолиятини ўрганиш, тинчлик учун кураш бўйича глобал масалаларнинг ечимини топишда табиий фанларнинг ўрнини самарали тарзда белгилаб бериш мумкин. Пировард натижада, бу барча мактаб ўқув фанларидағи маҳсус билимлар билан умумий-маданий билимлар ўртасидаги ўзаро нисбатнинг узвийлик асосида ўзгаришига (кейингиларининг фойдасига) олиб келади. Шу тариқа, узвийлик асосида ташкил этилган интеграция табиий фанлар таълими мазмунини инсонпарварлаштиришнинг асосий механизми сифатида намоён бўлади.

МУҲОКАМА

Табиатшунослик объектларини «табиат – фан – техника – жамият – инсон» узвийлик тизимида ўрганиш табиий фанлар таълими мазмунини инсонпарварлаштиришнинг ягона методологик асоси бўлиб ҳисобланишини кўрсатиб бермоқда. Янги дидактик тизимни ишлаб чиқишида дунёни яхлит идрок этиш, тизимли тафаккур ва «табиат – инсон» тизимини аксиологик жиҳатдан баҳолаш дастлабки кўзда тутилган мақсад бўлиб ҳисобланади. Бундай ёндашувда ўқитищдаги илмийлик тамойили бутунлай янгича сифат касб этади. Илмийлик



мезонларида замонавий илмий услубда фикрлашнинг билимлар олдидаги шубҳасиз устунлиги ҳисобга олинади. Табиий фанлар мазмунини инсонпарварлаштириш концепцияси асосида интегратив ёндашувни амалга ошириш борасидаги тажрибамиз натижалари 3-4-синфлар учун «Табиатшунослик» курси дастурининг ишланмасида нисбатан аниқ тақдим этилган. «Табиатшунослик» курси концепциясини ишлаб чиқишида биз замонавий, ривожланаётган жамиятга ўтиш даврида ўқувчилар дунёқарашининг реал дунёдаги объектив муносабатларни узвийлик асосида интеграциялашган тарзда акс эттирувчи «инсон-табиат» тизимидағи ўзаро алоқадорлик түғрисидаги билимларга асосланган бўлиши кераклигини ҳисобга олдик¹¹

Бундай ёндашув ўқувчиларнинг замонавий жамиятнинг маънавий тимсоллари экологиянинг қатъий талабига теран боғлиқ эканини тушунишларига олиб келади. (табиатдан илмий асосланган тарзда фойдаланишгина инсониятнинг омон қолишини таъминлаб ва унинг келгуси ривожланиш йўлини белгилаб бера олади, холос).

Бунда биз қуидаги етакчи ғояларни асосий деб ҳисоблаймиз:

1. Табиатнинг бирлиги, яхлитлиги ва тизимли тарзда ташкил топганлиги ғояси.
2. Жонли мавжудотлар, жумладан инсон табиатнинг маҳсули.
3. Табиат ва инсоннинг ўзаро узвий боғлиқлиги ғояси.
4. Инсоннинг коинотдаги бурчи ва табиатдан илмий асосланган тарзда фойдаланишни англаш орқалигина «табиат–инсон» тизимини уйғунлаштириш мумкинлиги ғояси.

“Табиатшунослик” курснинг вазифалари:

- ўқувчиларда дунёнинг ҳозирги табиий-илмий манзараси контекстида тизимли тафаккур ибтидосини ривожлантириш;
- ўқувчиларда табиат объектлари ва ҳодисалари, унда кечадиган жараёнлар қонуниятлари, табиат бирлиги таълимоти тизимидағи табиат қонунлари түғрисида билимларни шакллантириш;
- табиатшунослика билишнинг ўзига хос методи сифатида ўқувчиларнинг фенологик кузатиш қобилиятини таркиб топтириш; лаборатория ишларини бажаришда экспериментал кўникма ва малакаларини ривожлантириш; кичик тадқиқот ишларини ўтказиш.
- ўқувчиларда экологик таълим-тарбия асоси ҳамда замонамизнинг глобал муаммолари моҳиятини англашнинг муҳим

¹¹ Ёрматова Д. Табиий фанларнинг замонавий концепцияси. - Т.: «Алоқачи» нашриёти, 2008



бўғини сифатидаги «табиат – техника – инсон» муносабатлари тизимида аниқ йўналиш берувчи қатъий ишонч тизимини ҳосил қилиш;

- ўқувчиларнинг эркин, мустақил фикрлаши ҳамда муаммоларни тўғри пайқай олиш, хулоса чиқариш ва уларни ҳал этиш йўлини топиш лаёқатини ривожлантириш; абстракт тафаккур ва билимларни умумлаштириш (таҳлил, синтезлаш, қиёслаш, аналогиясини топиш, сабаб-оқибатига кўра алоқаларини белгилаш) малакаларини ривожлантириш;


- ўқувчиларда табиатни эстетик идрок этишни ривожлантириш – уларни маънавий ривожлантириш воситаси ва дунёни англаш усулларидан бири сифатида;

- ўқувчиларда экологик тафаккур ва табиатга қадриятли муносабатда бўлишнинг асоси сифатида инсонпарвар, маънавий тимсолларни шакллантириш.

Бизнинг кўп йиллик тажриба ва мавжуд тадқиқотлар таҳлилмиз шуни кўрсатдики, яратилаётган “Табиатшунослик” дарслікларнинг 1992-йиллардаги нашири билан ҳозирги яратилган дарсліклардаги илмий билимлар таҳлилида мавзулар ва синфлараро интеграциялашгани кўришимиз мумкин. Бошқа фанларни ўқитишида табиат асосий обьект бўлиб келади. Ана шу берилган билимлар тақорорланувчи эмас балки тўлдирувчи тушунча бўлиб ҳизмат қиласи. Фанлараро ва синфлараро таҳлилига суюнган ҳолда шуни қайд қилиш мумкинки, табиатшуносликка оид асосий билимларни 3-4 синфдан бошлаш яхши натижа беради. Шу асосда 3-4 синфлар учун яратилган. «Табиатшунослик» курсининг асосий мазмуни ва тузилиш мантиқи 1-жадвалда келтирилган.

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ


«Табиатшунослик» интегратив курси ўқувчиларда дунёнинг ҳозирги табиий-илмий кўринишига мувофиқ келувчи фикрлаш услуги (тизимли тафаккур)ни шакллантиришга йўналтирилган, бу ҳозирги дунёнинг инсонпарвар йўл билан ҳал этилишини кутаётган долзарб муаммоларини англаб етишга имкон яратади. Курс табиий фанлар таълими мазмунини инсонпарварлаштириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у билимларни ягона методологик негизда интеграциялашни: табиатшунослик обьектларини «табиат – фан – техника – жамият – инсон» тизимида ўрганиш лозимлигини асослаб беради. Бунда инсон, унинг фаолияти табиий фанларга оид билимлар структурасини ўз ичига қамраб олади.



Үқув курсининг тузилиши¹². (1-жадвал.)

№	Мавзулар	Етакчи ғоя	Үқув материалининг мазмуни
Тайёрлов блоки: табиатнинг тизимли ташкил этилганлиги түғрисидаги ғояни идрок этишга тайёрлайди			
1.	Табиатшунослик фани нимани ўрганади	Табиатшунослик фани табиат ва инсоннинг бирлиги түғрисидаги билим сифатида; замонавий дунё глобал муаммоларининг тизимли характеристи	Табиат ва инсон түғрисидаги билимлар қандай пайдо бўлган? Инсон ҳаётида табиатнинг ўрни. Табиат ривожида инсоннинг ўрни. Замонавий дунёнинг глобал муаммолари. Глобал муаммонима? Замонавий табиатшунослик – бу табиат ва инсон түғрисидаги кўплаб фанлар мажмуи (физика, химия, биология, география, геология, техника)
2.	Табиатшунослик: табиатни илмий билиш методлари	Табиатшуносликни инг ривожланиши: табиатнинг тизимли моҳиятини кузатишдан уни узвий билиш сари	Табиат түғрисидаги илмий билимлар ривожи. Эксперимент табиатни ўрганишга ёрдам беради. Үқув экспериментини қандай ташкил этиш ва ўтказиш керак. Лаборатория жиҳозлари
3.	Табиатдаги физик, биология ва кимёвий жараёнлар	Табиат, табиат ҳодисалари, табиат ҳодисаларининг бир бутунлигига	Физик жисмлар ва уларни ўрганиш Моддалар ва уларни ўрганиш Физик ҳодисалар. Модданинг тузилиши. Модда ва майдон.

¹² Uzviyylashtirilgan Davlat ta'lim standarti. – T.: Yangiyul poligraf service, 2010. – 44 b.



		ўрганишда дифференциация ва интеграция узвийлиги	Кимёвий реакциялар. Моддаларни тозалаш
--	--	---	---

Тизим ҳосил қилувчи блок

4.	Табиат: умумий тавсиф	Тизимли тафаккурнинг тахминий асоси	Тизим деб нимага айтилади? Табиат – бу тизимдир Табиатнинг умумий тавсифи. Экотизим
----	-----------------------------	---	--

**Асосий блок: турлича қарашлар даражаси табиатнинг тизимли
моҳиятини очиб беради**

5.	Яшил ўсимликларни нг сайёрдаги космик вазифаси	Қуёш–Ерда ҳаётни таъминловчи омил; Қуёш– Ернинг ўзаро алоқаларининг намоён бўлиши; Фотосинтез; Биоло- гик масса.	Сизга саволлар берамиз: Қуёш нури нималарни сўзлайди? Табиатда ёруғлик ва ранг Ўсимлик қуёш нурларини қандай қабул қиласди? Ўсимлик қуёш нур- энергиясидан қандай фойдаланади? Яшил ўсимликларнинг сайёрадаги космик вазифаси нималардан иборат? Нима учун кунга боқар Қуёшга интилади? Фотосинтез; ўсимликлар дунёси ва ҳаёт.
----	--	---	---

6.	Ердаги тоғ жинслари, минераллар ва тупроқнинг биогеокимёви йўрни	Тирикликтининг табиатдаги бирлик ва яхлиттикликтининг намоён бўлиши сифатидаги биогеокимёвий йўрни	Тоғ жинслари; Минераллар Табиатда тоғ жинсларининг нураси Тупроқ – ер қобигининг сиртқи қатлами; Литосфера. Кимёвий элементлар Кимёвий формула ва тенгламалар Табиатдаги биогеокимёвий ўзгаришлар
----	---	---	---



7.	Ер – Қуёш системасидаги сайёра	Инсон «Ер – Коинот» тизимида	Бизнинг Галактика, Коинот, Қуёш системаси түғрисидаги тасаввурларимиз Ер – бизнинг умумий уйимиз Уни асраш зарур; Биосфера.
----	--------------------------------	------------------------------	---

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтсак ана шундай курслар асосида 3-4 синф ўқувчилариға интеграциялашган таълимни узвийлиги таъминланса, ўқувчиларда миллій маңнавият шаклланади. Энг мұхими умуминсоний неъматлар: сув, Қуёш, ҳаво, тупроқ ҳақида бир бутун билимлар тизими узвийлик асосида ўқувчилар онгода таркиб топади.

Хозирги кундаги “Табиатшунослик” курсини ўқитиш бүйича яратилған илмий тушунчалар ўқитиладиган бошқа турдош фанлар билан узвийлиги ва интеграциялашувда қуидагилар мавжуд:

- дастур материаллари ДТС талаблари асосида яратилған;
- дастур мазмунига, Авесто, Қуръони карим, Ҳадисларда ва халқ оғзаки ижоди орқали акс этган табиий неъматларни эъзозлашга оид ғоялар ўз аксини топган;
- ✓ танланған материаллар миллій, маҳаллий, тарихий, умуминсоний қадриятларга асосланған;
- ✓ материаллар илмий;
- ✓ материаллар қизиқарлы бўлиб, дастур материалларини онгли равища ўрганишга имкон беради;
- ✓ мавзулар ора боғланишлар тўғри йўналтирилған;
- ✓ фанни ўқитишка ахборот технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган;
- ✓ дастурда келтирилған материаллар экологик онгни ривожлантириши инботга олинган;

Таклифлар:

➤ Табиатшуносликни фанини ўқитишка, табиат билан таништиришда маҳаллий таббий шароитдан келиб чиқиб амалий топшириқлар бериш;

➤ Маҳаллий таббий шароитдан келиб чиқиб, манзилили тадқиқот кузатиш ишларни олиб боришни йўлга қўйиш;

➤ Ўқитлаётган бошқа фанларда мавзулараро тақрорланишларга йўл қўймасдан балки тўлдирилишига алоҳида эътибор бериш.



➤ Берилаётган билимларнинг асосини “табиат-инсон-жамият-технология (ишлаб чиқариш)” ташкил қилинишни иноботга олиб ўқитиладиган бошқа турдош фанлар билан узвийлиги ва интеграциялашувга алоҳида эътибор бериб, дарсликларни яратишда компентенциявий ёндошиш мақсадга муовфиқдир.

Адабиётлар.

1. Ёрматова Д. Табиий фанларнинг замонавий концепцияси. - Т.: «Алоқачи» нашриёти, 2008. - 312 бет.
2. Uzviyelashtirilgan Davlat ta'lim standarti. – Т.: Yangiyul poligraf service, 2010. – 42-46 b.
3. Uzviyelashtirilgan o'quv dasturi. –Т.: Yangiyul poligraf service, 2010. - 46-68 b.
4. Азизов А.А., Акиншина Н.Г., Нишонова Б.Э. Барқарор тараққиёт таълими. - Т.: ФАН, 2007 йил.



**Education
Human
Life**

issue: 3030-3419